

**ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ – КЕЛАЖАГИМИЗ  
ПОЙДЕВОРИ!**

**Ширинова Наргиза**

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети доценти, п.ф.н.*

**Аннотация**

*Ушбу мақола янги таҳрирдаги конституция масаласига бағишланган бўлиб, унинг мазмуни бўйича фикрлар келтирилган.*

**Калим сўзлар:** *конституция, тараққиёт, инсон манфаати, жамият, давлат.*

Бош қомусимизда кундан кунга бўлаётган ижобий ўзгаришлар давлатимиз ва миллатимизнинг тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шунингдек, келажак авлоднинг фаровон ҳаёти, халқаро рақобатларда ўз ўрнига эга бўлиши, ҳар томонлама ривожланган шахс бўлиб етишишларида Конституция асосий омил бўлиб хизмат қилади. Янги таҳрирдаги конституциядан маълумки, инсон манфаатлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ёшларнинг ривожланиши ва уларнинг имкониятларини оширишга бағишланган моддалар бир неча бараварга ошган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, янги таҳрирдаги Конституция барча соҳалардаги ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда, яъни Республикаимизнинг яқин келажакда тубдан ривожланиши, рақобатбардош давлатлар қаторига кириши режалаштирилмоқда.

Конституциямизда илгари амал қилиб келган «**давлат – жамият – инсон**» тамойилини «**инсон – жамият – давлат**» деб ўзгартириш, яъни энг аввало инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишни мақсад қилган. Бундан кўриниб турибдики, инсон ҳамма нарсадан устун, унинг манфаатлари асосий вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Масалан, кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш бўйича аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробарга кўпайтирилганлиги, бу эса оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим роль ўйнайди.



Таълим ва илм-фан соҳасида ҳам қилинаётган ижобий ўзгаришлар, уларга доир нормаларнинг икки баробар ошганлигида намоён бўлмоқда. Масалан, олийгоҳлардаги бакалавр ва магистратура йўналишларида грантларнинг 2 бараварга ошиши, фуқароларнинг бепул бошланғич касб-хунарга ўқитилиши, ногиронлиги бор болажонларимизга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитлар яратилиши, ўқитувчилар кадр-қимматини ошириш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлигини таъминлаш, касбий жиҳатдан ўсиши ҳақида ғамхурлик қилиш борасидаги нормалар мустаҳкамланиб қўйилмоқда. Тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи берилиши профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Фарзандлар тарбияси, уларга таълим бериш, баркамол вояга етказиш ҳам ота-она мажбурияти сифатида белгиланганлиги ота-оналар фарзандларининг таълим олишига бўлган эътиборларини оширишга хизмат қилади.



Ёшларнинг таълим олиши билан бирга уларнинг ҳуқуқлари ҳам Конституцияда кафолатланди. Ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий химояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, келажак авлодимиз бўлмиш ёшларимизга кенг имкониятлар яратилмоқда, бунинг натижасида уларнинг ҳар томонлама ривожланган, ўз касбининг эгаси, яъни яхши мутахассис бўлиб етишишларига замин яратилмоқда. Шунинг учун ҳам, Конституциямизни ўрганиш, уларни келажак авлодга ўргатиш ҳамда унинг ҳар бир нормасига астойдил ёндашиш ҳар бир фуқаронинг вазифасидир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Усмонов М. Мустаҳкам қалқонимизга айланади//XXI asr. Ijtimoiy-siyosiy gazeta. 30-mart 2023-yil 13 (1011).
2. Широнова Н.Д., Широнова Н.Д. Янги бунёдкор қомусимизда инсон қадри//“Жамият” ижтимоий-сиёсий газетаси. 2023 йил, 6 апрель. №15(836).
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
4. Широнова, Н. (2023). ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА “ФАОЛЛИК” ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ. *MATERIALLARI TO'PLAMI*, 330.
5. Tulkin, S., Nargiza, S., & Nilufar, S. (2022). ANALYSIS OF THE TRANSLATION OF ZAHIRIDDIN BABURS POEMS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES*, 3(02), 42-48.
6. Shirinova, N. D. (2022). Shirinova ND GRADUAL MORPHOLOGICAL DEMARCATION OF SUBSTANTIVE AND ATTRIBUTIVE MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES.